



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 17 » yanvar

№ 26

Toshkent sh.

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни
ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Мехр дафтари”
тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон қарорига мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини руёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи “Мехр дафтари” тизими жорий этилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари, Оилавий болалар уйлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи Болалар уйлари ва “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси бўлинмаларидаги (кейинги ўринларда – ўқув-тарбия муассасалари) тарбияланувчиларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини амалга оширишга кўмаклашиш, шу жумладан:

болаларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлиш сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка, васийликка (хомийликка, патронатга) олган оилаларни рағбатлантириш;

б) ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг “Мехр дафтари”ни шакллантириш ва юритиш.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-

қувватлашга қаратилган “Мехр дафтари” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

“Мехр дафтари”га киритиладиган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тоифаси;

“Мехр дафтари”ни шакллантириш ва амалга ошириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида “Мехр дафтари”дан чиқариш ва унга ўзгартериш киритиш тартиби;

“Мехр дафтари” тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон қарорининг 10-бандига мувофиқ:

“Мехр дафтари” тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини ташкил этиш белгиланганлиги;

“Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини ҳомийлик маблағлари, 2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво ва табиий вино бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи микдоридаги ажратмалар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

“Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – “Мехр дафтари” жамғармаси) маблағларини шакллантириш ва уларни ундириш тартиби;

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари;

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини сарфлаш ва бошқариш;

“Мехр дафтари” жамғармаси васийлик кенгашининг намунавий таркиби ва ушбу кенгашининг иш юритиш тартибини белгилаш;

“Мехр дафтари” жамғармаси ҳисботини юритиш.

5. Миллий гвардия Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

2022 йил 1 февралга қадар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни “Мехр дафтари”га киритишнинг ахборот тизимини амалиётга жорий этсин;

2022 йил 1 февралдан бошлаб “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга оид маълумотларни “Электрон хукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқлашни йўлга қўйсин.

6. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ таълими вазири Б.О. Саидов ва Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “17” январдаги26-сон қарорига
1-илова

**Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар
томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Мехр дафтари”
тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Мехр дафтари” тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“Мехр дафтари” тизими – етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини руёбга чиқаришга ҳамда жамиятга ижтимоийлашувига кўмаклашиш, уларни васийликка (хомийликка, патронатга) олган оиласаларни рафбатлантириш, шунингдек болаларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлиш сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган тизим;

“Мехр дафтари” – етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини руёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида улар ҳақидаги маълумотларни киритиш, идоралараро маълумотлар алмашишни ташкил этиш ҳамда “Мехр дафтари” тизими бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш имконини берувчи электрон платформа;

“Мехр дафтари” жамғармаси – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида ташкил этиладиган “Мехр дафтари” тизимига киритилган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

ўқув-тарбия муассасалари – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари, Оиласавий болалар уйлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи Болалар уйлари, “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси бўлинмалари (болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари).

3. “Мехр дафтари” тизимига киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича

чора-тадбирлар мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида “Мехр дафтари”га киритилади ва ундан чиқарилади.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни “Мехр дафтари”га киритишнинг ахборот тизимидан (кейинги ўринларда – “Мехр дафтари” ахборот тизими) фойдаланиш ва маълумотларни киритиш тартиби Миллий гвардия томонидан белгиланади.

2-боб. “Мехр дафтари”ни шакллантириш ва амалга ошириш

5. Ўқув-тарбия муассасалари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари “Мехр дафтари”ни шакллантиришга масъул ҳисобланади.

6. Туман (шаҳар) ҳокими қарори ва иловадаги схемага мувофиқ қуйидагилар “Мехр дафтари”га маълумотларнинг бевосита киритилишини таъминлайди:

а) Халқ таълими вазирлиги томонидан унинг тизимидағи Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари ва Оиласий болалар уйлари;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан унинг тизимидағи Болалар уйлари;

“SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси томонидан унинг тизимидағи болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари тарбияланувчилари ва битирувчилари тўғрисидаги;

б) туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари томонидан васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги.

7. “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиш)лари қуйидаги тартибда ўрганилади:

ўқув-тарбия муассасаларида:

тарбияланувчиларнинг бевосита мурожаатлари ва улар орасида ўтказиладиган сўровномалар орқали;

ўқув-тарбия муассасалари битирувчиларининг ёки уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс (ташкилот)лар мурожаатлари орқали;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларида:

vasийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мурожаатлари орқали;

vasийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ота-оналари, қонуний вакиллари ёки уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс (ташкилот)лар мурожаатлари орқали.

8. Мурожаатлар ва сўровномалар натижаси юзасидан ўқув-тарбия муассасалари ҳамда туман (шахар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари 15 иш куни муддатда “Йўл харитаси” лойиҳасини тайёрлайди.

9. “Йўл харитаси” лойиҳасида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиши)ларини ҳал этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар, ижро этиш муддати ҳамда уларни бажарувчи масъул ташкилотлар ва сарфланадиган харажатларининг миқдори кўрсатиб ўтилади.

10. Худудий ўқув-тарбия муассасалари томонидан тақдим этилган “Йўл хариталари” лойиҳалари тегишли туман (шахар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари томонидан умумлаштирилади.

11. “Йўл харитаси” лойиҳаси 3 иш кунида туман (шахар) ҳокимликлари томонидан тасдиқланади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидағи “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-кувватлаш жамғармалари васийлик кенгашларига (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) тақдим этилади.

12. Васийлик кенгаши томонидан 3 иш кунида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиши)ларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун “Мехр дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам қўрсатилиши тўғрисида қарор қабул қилинади.

13. Васийлик кенгаши қарорининг нусхаси шу куннинг ўзида тегишли туман (шахар) ҳокимликларига ижро учун юборилади.

“Мехр дафтари” жамғармасида етарлича маблағ мавжуд бўлмаган тақдирида, “Йўл харитлари” келиб тушган санасига асосан маблағ йифилгунга қадар “Мехр дафтари” платформасида “онлайн-навбат”га қўйилади. Бунда Васийлик кенгаши маблағ этишмаслиги ҳақида туман (шахар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаларига ҳабар беради ва “Йўл хариталари”нинг навбат рақамлари рўйхатини тақдим этади. Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари мурожаат қилган шахсларни ёзма равишда маблағ этишмаслиги ҳамда уларга тегишли “Йўл харитаси”нинг навбат рақами ҳақида хабардор қилади.

14. “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-кувватлаш ишлари қуйидагилар томонидан мувофиқлаштирилади:

туман (шахар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари томонидан манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда;

Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шуъбаси ва Миллий гвардия томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда.

15. Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлигининг худудий

бўлинмалари – “Мехр дафтари” тизими доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширувчи манфаатдор давлат органлари ҳисобланади.

“Мехр дафтари” ахборот тизимида маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши ва ҳаққонийлиги Миллий гвардиянинг ҳудудий бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

З-боб. “Мехр дафтари”дан чиқариш ва унга ўзгартириш киритиш

16. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар 25 ёшга тўлганда тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси томонидан туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ва иловадаги схемага мувофиқ “Мехр дафтари”дан чиқарилади.

Бунда:

“Мехр дафтари”дан чиқарилаётган шахсларнинг бандлиги таъминланган ва уй-жойи мавжуд бўлиши шарт. “Мехр дафтари”дан чиқарилаётган шахсларнинг бандлиги таъминланмаган ҳолатларда, уларнинг бандлигини таъминлаш учун “Йўл харитаси” тузилади ҳамда “Мехр дафтари” ҳисобида туриш муддати бандлиги таъминлангунга қадар, бироқ 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади;

“Мехр дафтари”дан чиқарилаётган шахсларнинг ўзларига бириктирилган турар жойга эга бўлмаганлиги ва турар жойга муҳтожлиги аниқланган ҳолатларда, белгиланган тартибга асосан уларни уй-жой билан таъминлаш чоралари кўрилади ва “Мехр дафтари” ҳисобида туриш муддати уй-жой билан таъминлангунга қадар, бироқ 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади;

“Мехр дафтари” ахборот тизимида киритиладиган тегишли ўзгартиришлар туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси томонидан бевосита амалга оширилади.

17. Туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбасининг ҳудуддаги ўқув-тарбия муассасалари, манфаатдор давлат органлари ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликдаги хulosасига мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг “Мехр дафтари”да бўлиш муддати 5 йилгача узайтирилиши мумкин.

18. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар бошқа ўқув-тарбия муассасасига ёки доимий (вақтинча) яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, тегишли ўқув-тарбия муассасалари ва туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси томонидан улар доимий ва вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган кунидан бошлаб, ўн беш кун муддатда “Мехр дафтари”га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

19. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутувчи ҳукми чиқарилганда, уларни “Мехр дафтари” тизими бўйича қўллаб-куватлаш масаласи тўхтатиб турилади.

Бунда суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси томонидан “Мехр дафтари”га ўзгартириш киритилади.

20. “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уларга иш берувчилар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўлови кетма-кет 12 ой давомида ҳисобланганда ҳамда ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг марказлаштирилган ахборот базасида акс эттирилган тақдирда, иш билан бандлиги таъминланган деб ҳисобланади.

4-боб. “Мехр дафтари” тизимида ҳисбот

21. Ўқув-тарбия муассасалари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси “Мехр дафтари”даги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ акс эттириб борилишини таъминлайди ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

Барча маълумот ва ҳисботлар “Мехр дафтари” ахборот тизимида шакллантирилади.

22. “Мехр дафтари” тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан қўйидаги тартибда ҳисбот берилади:

ҳар чорак якунига кўра, “Мехр дафтари” тизими бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси ўқув-тарбия муассасалари ҳамда ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисботлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида эшитиб борилади;

ҳар ярим йил якунига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбалари ҳамда манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлар билан биргаликда “Мехр дафтари” тизими бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинади ҳамда республика даражасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳудудлар кесимида Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шуъбасига киритиб борилади;

йил якунига кўра, Вазирлар Маҳкамасининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари шуъбаси хузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Мехр дафтари” тизимининг фаолияти муҳокама қилинади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

23. Ушбу Низомни қўллаш жараёнида юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга қаратилган “Мехр дафтари” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-куватлашга қаратилган “Мехр дафтари” тизимиға киритиш ва чиқариш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ўқув-тарбия муассасалари	<p>“Мехр дафтари” тизимиға киритиш учун халк таълими тизимидағи Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари, шунингдек, оиласиёт болалар уйлари тарбияланувчиларининг рўйхатини;</p> <p>“Мехр дафтари” тизимиға киритиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи Болалар уйлари тарбияланувчиларининг рўйхатини;</p> <p>“Мехр дафтари” тизимиға киритиш учун “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” уюшмаси тизимидағи болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари тарбияланувчилари ва битирувчилари рўйхатини туман (шаҳар) ҳокимлигининг Болаларни ҳимоя қилиш шуъбасига тақдим этиши.</p>	2 иш куни
2-босқич	Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси Туман (шаҳар) ҳокими	<p>“Мехр дафтари” тизимиға киритиладиган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари, шунингдек, васийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>Мазкур рўйхатдаги болаларни “Мехр дафтари” тизимиға киритиш юзасидан туман (шаҳар) ҳокимининг қарорини чиқариш.</p>	3 иш куни
3-босқич	Ўқув-тарбия муассасалари Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси	<p>Туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни “Мехр дафтари” тизимиға киритиш.</p> <p>Туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида висийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни “Мехр дафтари” тизимиға киритиш.</p>	3 иш куни
4-босқич	Ўқув-тарбия муассасалари Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси	<p>“Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиш)ларини ўрганиш.</p> <p>“Мехр дафтари”га киритилган висийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиш)ларини ўрганиш.</p>	5 иш куни

5-боскич	Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси	Үрганиш натижасини умумлаштирган ҳолда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, васийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиши)ларини ҳал этишга қаратилган йўл харитасини ишлаб чикиши.	15 иш куни
6-боскич	Туман (шаҳар) ҳокими	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиши)ларини ҳал этишга қаратилган йўл харитасини тасдиқлаш ва уни Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидағи “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-куватлаш жамғармалари Васийлик кенгашига тақдим этиш.	3 иш куни
7-боскич	Васийлик кенгаши	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, васийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиши)ларини ҳал этишга қаратилган чоратадбириларни амалга ошириш учун “Мехр дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатилиши тўғрисида қарор қабул килиш, ушбу қарорни туман (шаҳар) ҳокимликларига ижро учун юбориш.	3 иш куни
8-боскич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	Тасдиқланган йўл харитасини ХТВ, ССВ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирликлари, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмаларига амалга ошириш учун юбориш ҳамда зарур маблағларни тегишли ташкилотларга ўтказиш.	3 иш куни
9-боскич	ХТВ, ССВ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куватлаш вазирликлари, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бўлинмалари	Тасдиқланган йўл харитасига мувофиқ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, васийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган болаларнинг муаммо (эҳтиёж, қизиқиши)ларини ҳал этишга қаратилган чоратадбириларни амалга ошириш.	Йўл харитасида белгиланган муддатларда
10-боскич	Болаларни ҳимоя қилиш шуъбаси	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, васийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган болаларни “Мехр дафтари”дан чиқариш ёки муддатни узайтириш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимига таклиф киритиши.	бала 25 ёшга тўлганда
11-боскич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, васийлик, ҳомийликка (патронатга) олинган болаларни “Мехр дафтари”дан чиқариш ёки муддатни узайтириш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими қарорини чиқариш.	Таклиф киритилгандан сўнг 1 иш кунидан

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “17” январдаги 26-сон қарорига
2-илова

**“Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум
бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – “Мехр дафтари” жамғармаси) маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. “Мехр дафтари” тизими доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан “Мехр дафтари” жамғармаси ташкил этилади.

3. “Мехр дафтари” жамғармаси юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги очилган ғазна ҳисобваракларида жамланади.

4. Ушбу Низомда куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

“Мехр дафтари” тизими – етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзустакларини руёбга чиқаришга ҳамда жамиятга ижтимоийлашувига кўмаклашиш, уларни васийликка (ҳомийликка, патронатга) олган оиласаларни рағбатлантириш, шунингдек, болаларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлиш сабабларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган тизим;

ўқув-тарбия муассасалари – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи Мехрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари, Республика болалар ўқув-тарбия муассасалари, Оиласий болалар уйлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи Болалар уйлари, “SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари” ўюшмаси бўлинмалари (болаларни муқобил парвариш қилиш хизматлари, ёшларга ҳамроҳлик қилиш хизматлари ва ижтимоий етимликнинг олдини олиш хизматлари);

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар – ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ва битирувчилари ҳамда васийликка (ҳомийликка, патронатга) олинган болалар.

2-боб. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ва уларни ундириш тартиби

5. Куйидагилар “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

2022 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотларининг (пиво, табиий вино ҳамда импорт қилинадиган алкоголь маҳсулотлари бундан мустасно) улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумининг уч фоизи микдоридаги ажратмалар (кейинги ўринларда – Махсус ажратма);

ҳомийлик маблағлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Махсус ажратманинг ҳисоботини тақдим этиш ва унинг тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун Солиқ кодексига мувофиқ жавобгарлик чоралари кўлланилади.

Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан Махсус ажратма ўзлари рўйхатдан ўтган худудда ташкил этилган “Мехр дафтари” жамғармасига тўланади.

7. Махсус ажратманинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва “Мехр дафтари” жамғармасига белгиланган муддатларда тўланиши бўйича назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

8. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан Махсус ажратма бўйича ҳисбот шакли тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда Махсус ажратма тўловчиларига етказилади.

9. Махсус ажратма бўйича ҳисботни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 292-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари

10. Куйидагилар “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг муаммоларини ҳал этиш, истеъдодли болаларни кўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларнинг таълим-тарбиясини ташкил этиш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, айниқса ногирон ва сурункали касалликлари бўлган болаларнинг соғлигини тиклаш ва сақлаш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг коммунал тўловлар бўйича қарздорликларини қоплаш;

болаларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлиш сабабларини ўрганиш натижасига кўра аниқланган муаммоларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийликка (хомийликка, патронатга) олган оиласларни рағбатлантириш;

қонунчилик хужжатлари билан белгиланган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-кувватлашга қаратилган бошқа харажатларни қоплаш.

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларининг ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа мақсадларга йўналтирилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини сарфлаш ва бошқариш

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ намунавий таркибда “Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-кувватлаш жамғармасининг васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши) ташкил этилади.

Васийлик кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

12. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш Васийлик кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Васийлик кенгаши қарори Васийлик кенгаши йиғилишининг баёни билан расмийлаштирилади.

13. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган моддий ёрдамлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ Васийлик кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.

Бунда:

Васийлик кенгаши томонидан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган моддий ёрдам уларнинг муаммолари ва орзу-истакларидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз беш бараваригача бўлган миқдорда берилади;

моддий ёрдам етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муаммоларининг ҳажми ва ҳаётий муҳимлигидан келиб чиқиб, Васийлик кенгаши қарорига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз беш бараваридан кўп бўлган миқдорда, аммо базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан кўп бўлмаган миқдорда берилиши мумкин;

моддий ёрдам “Йўл харитасида” назарда тутилган мақсадлар учун масъул ижрочилар билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган тартибда молиялаштирилади ва тўғри-тўғридан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга накд пул ёки накд пулсиз шаклда (банк пластик карточкалари орқали ва пул ўтказиш йўли билан) тўланишига йўл қўйилмайди.

14. Васийлик кенгашининг йиғилишлари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Васийлик кенгаши раисининг ташаббуси билан ёки заруратга кўра навбатдан ташқари йиғилишлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

15. Васийлик кенгаши раиси кенгаш йиғилишларига раислик қиласди.

16. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти “Мехр дафтари” жамғармасининг ишчи органи (кейинги ўринларда – ишчи орган) ҳисобланади.

17. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси Васийлик Кенгаши ва ишчи орган таклифлари асосида ишлаб чиқлади ҳамда тасдиқланган харажатлар сметаси тегишли ҳудудий молия бош бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Харажатлар сметасини шакллантиришда ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган йўналишдаги ишларнинг манзилли рўйхати ишчи орган томонидан шакллантирилади.

18. “Мехр дафтари” жамғармасининг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

19. Васийлик кенгаши:

“Мехр дафтари” жамғармасига умумий раҳбарлик қиласди ва унинг фаолиятини назорат қиласди;

ҳар йили 25 декабргача “Мехр дафтари” жамғармасининг келгуси йил учун даромадлар ва харажатларнинг йиллик параметрлари ҳамда йиллик иш режасини тасдиқлайди;

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган мақсадларга йўналтиради;

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини тақсимлайди, зарур ҳолларда тасдиқланган харажатлар режаларига тегишли ўзгартиришлар киритади;

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини назорат қиласди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қиласди;

“Мехр дафтари” жамғармаси фаолиятини янада ривожлантириш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини ва техник кўмак маблағларини (грантларни) жалб этиш чораларини кўради;

“Мехр дафтари” жамғармаси маблағларини шакллантириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

20. Ишчи орган:

“Мехр дафтари” жамғармасининг йиллик иш режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Васийлик кенгашига киритади;

Васийлик кенгаши аъзоларига кенгаш йиғилиши вақти ва ўтказиладиган жойи тўғрисида хабар беради;

Васийлик кенгаши йиғилишининг қун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди, йиғилиш баённомасини расмийлаштиради;

давлат томонидан берилган ижтимоий кўмак ва моддий ёрдам тўғрисидаги маълумотларни “Мехр дафтари”да қайд этиб боради;

“Мехр дафтари”га киритилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мурожаатлари билан ишлайди.

Васийлик кенгаши қарори билан ишчи органга қўшимча вазифалар хам юкланиши мумкин.

21. “Мехр дафтари” жамғармасининг бўш маблағларини тижорат банкларнинг депозитларида жойлаштириш тақиқланади.

5-боб. “Мехр дафтари” жамғармаси ҳисоботини юритиш

22. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисбот Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан юритилади.

23. “Мехр дафтари” жамғармаси даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисботларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 163-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

24. Васийлик кенгаши раиси ҳар чоракда “Мехр дафтари” жамғармаси даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига ҳисбот бериб боради.

6-боб. Якунловчи қоидалар

25. “Мехр дафтари” жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъулият Васийлик кенгашига юкланади.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ҳудудий бошқармалари мазкур Низом доирасида амалга ошириладиган ишлар учун ажратилидиган маблағларнинг самарали ва мақсадли ишлатилишини назорат қиласди.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

